



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: info@xs.uz

2013 йил 18 июнь, № 117 (5791)

Сешанба

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, муस्ताқил Ўзбекистон!

ЭЪТИРОФ

Яқинда Малайзиянинг англис тилида чоп этиладиган "New Straits Times" газетасида юртимиз сайёҳлик салоҳиятига бағишланган туркум мақолалар чоп этилди. Уларда Ўзбек халқининг бой тарихий-маданий мероси ва мамлакатимизнинг жаҳон андозаларига жавоб берадиган замонавий сайёҳлик инфратузилмаси ҳақидаги атрофлича маълумотлар ранг-баранг фотосуратлар билан газетхонлар эътиборига ҳавола қилинди.

"New Straits Times" мамлакатимиз ҳақида

Малайзиялик журналист **Сери Нор Надиа Корис** "Амир Темур юртига саёҳат" сарлавҳали мақоласида жорий йил март ойида "Мега-инфо-тур" дастури доирасида Ўзбекистон бўйлаб сафардан олган таассуротларини ўртоқлашган. Муаллиф ўз мақоласини баҳор айёми — Наврўзи оламини таърифлаш билан бошлар экан, ҳаёт, самимият, тўкин-сочинлик ва саломатлик тимсоли ҳисобланадиган ун ҳамда бугдой дони сингари масаллиқлардан тайёрланадиган кўклар таоми — сумалак ҳақида батафсил сўз юритади.

Сўнгра у Ўзбекистонда фаолият кўрсатётган музейлар мавзусига мурожаат этади. Сери Нор Надиа Корис Темурлар тарихи Давлат музейининг мезморий гўзаллигига, унинг нафис безаклари, моҳирона ишланган нақшлари ҳамда улкан мовий гўлбазига алоҳида тўхталган. Мақолада қайд этилганидек, ушбу муҳташам музейга ташриф буюрган меҳмонлар Темурийлар даврига оид турли осориётқалар, бронза ва сополдан ясалган буюмлар, шунингдек, ноёб кўхна мезморчилик дурдоналарининг кичрайтирилган нусхалари билан танишишлари мумкин.

Журналист ёзганидек, Ўзбекистон амалий санъат музейи ҳам жаҳон маданий меросининг ноҳид ҳазиналарига бой бўлиб, миллий услубда тўқилган гиламлар, ипак матолар, турли кийим-кечаклар, сопол, чинни ва ёғочдан ясалган буюмлар ҳамда ўзбек усталарининг бетакор маҳоратини намойиш этувчи бошқа санъат асарлари ушбу музейдан жой олган.

"Ўзбекистонда ўтмиш ва замонавийлик, турли миллатларнинг маданияти ва анъаналари уйғунлашиб кетганлиги кишини ҳайратда қолдиради, — деб ёзади муаллиф. — Бу гўзал диёр Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашганки, мазкур кўхна йўл орқали асрлар мобайнида савдогарлар, олим мутафаккирлар саёҳат қилишган. Бугун эса у хорижликларнинг Ўзбекистон заминидagi қадимий ёдгорликлари ва мамлакатнинг маънавий мероси билан танишишлари учун хизмат қилмоқда".

(Давоми 2-бетда).



Баркамол авлод — юрт истиқболи.

Мўътабар кадриятлар

Тупроғига митти оёқчамиз илк бор жизиллаб теккан қутлуг маскандан гоҳ турмуш эҳтиёжлари, гоҳ хизматдаги бурчимиз сабабли анча вақт йироқ кетишга мажбур бўлишимиз мумкин. Аммо тирикчилигинг қаерда яхши ўтса, жонинг қай муҳитда кўпроқ ҳузур топса — ҳақиқий Ватанинг ўша жой, дейдиганларнинг юраги нимадан ясалганини сира тушунолмайман.

ИФТИХОР

Қадим-қадимдан ўзбеклар "юрт"га ва "ти"га "она" сўзи-ни қўшиб айтишди. Бу бежиз эмас, ёт элат вакилларига бирон-бир миллатнинг салобату мавқеи, аввало, маҳаллий аҳоли ўз юртига эгалик қилишга нечоғли қодирлигида, ўз тилини қанчалик қадрлашигида аққол кўринади. Шу иккисига онадек азиз, онадек табаррук деб қарай олган, жон-жондан меҳр қўйган халқгина миллатман дейишга ҳақлидир. Ушбу омилларнинг лоақал бирида сал кеттилик сезилдики, демак, бу ўлканинг пойдевори бўш, бу элнинг эртаси омонат.

Ўз юртига эгалик шуқуқи, биринчи галда, руҳий кўта-

ринкилик, маънавий ички ҳузур тарзида намоеъ бўлади. Жаҳонда ўз номинг, ўз ўрнинг борлиги, пайти келса, не-не доврўзи мамлакатлар ҳудудиди ўз мадҳиянгни янграб, ўз байроғинг хилпираб туриши гурунгни гурур қўшади, дилингни роҳатбахш сурур бўлиб қуйилади. Ахир кечагина буларнинг бари биз энтиқиб-энтиқиб эшитишни истаган, лекин биров овоз чиқариб айтишга ботинолмайдиган ёқимлидан ёқимли эртас эмасмиди?!

Инсонда Ватанга муҳаббат туйғуси нимадан бошланади, деган саволга миллион киши миллион хил жавоб беради. Бу — табиий ҳол. Болаликдан бошлаб биримизга тег-

рамиздаги у нарсалар, биримизга бу нарсалар нафосатли, қадрли кўриниб, онгимизга нақшланиб бораверади. Савол берган кишига ҳар биримиз ўзимизга тегишли нақшлар ҳақида сўзлай бошлаймиз. Мана шуларнинг барини жамласак, умумхалқ мураббати она-юртдаги ҳар бир нарсига таалуқли эканига иймон келтираман.

Биргина мисолни айтмай: кўча эшигимизнинг ёнида каттакон бир тош бўлар эди, дадамиз кўли бўшаганида баъзан ана шу тошга ўтириб, бирон-бир кўшни ёки йўловчи билан гурунглашишни ёқтирарди. Дадамиз вафот этгач, орадан неча йиллар ўтиб, бир куни ўша тошни эслаб қолдим. Шундай катта тош қаёққа қўйиб бўлди?

Янги дарвоза қуришда олиб ташлашганимкин? Ҳозир қаерда экан?

Олдин томоркамизга кириб, ҳаммаёқни кўздан кечирдим, тополмадим. Сўнг ён кўшнлардан суриштиришга тушдим, биргалашиб ҳовлилардан ахтариб кўрдик, ҳеч қаерда йўқ. Кўшнларнинг саволи бир хил — нимага керак бўлқолди ўша тош? Жуда катта, усти текисгина эди, кўчага қўйсақ, ўтириб-негиб турардик-да, деб қулимсирайман, холос. Охири Деҳқон тоға ўз ҳовлисидан каттароқ бир тошни олиб чиқиб, мана шунда ўтириб турармик, деб кўчага қўйиб қўйди. Миннатдорчилик билдирган бўлдим, бироқ менга бу эмас, бир пайтлар дадам ўтирган япалоқ тош кераклигини, мен ҳам айнан ўша тошнинг устида ўтиргим келаётганини кўшнимга айтолмадим. Мана сизга шу ўлканинг кўнгилга яқин бўлиб кетган биттагина табаррук тоши!

(Давоми 4-бетда).

2013 йил — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

Халқимиз орасида ушбу нақл ўзига хос боқий қадриятнинг ёрқин ифодаси, десак, аини ҳақиқат. Зеро, остона, деганда, аввало, оила, хонадон, маҳалла кўз ўнгимизда гавдаланади. Чин инсоний, эзгу фазилатлар ҳам, табиийки, оилада, маҳаллада шаклланади.

ВАТАН остонадан бошланади

Шу маънода, ён-атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга лоқайдлик билан қарамасак, фарзандимизнинг юриш-туриши, гап-сўзидан бохабар бўлсак, у ким билан дўст тугинган, ўқиси қандайлигини назорат қилиб борсак, ўйлаймизки, аини мудадога эришамиз. Шуниси аниқки, одоб-ахлоқи, инсоний фазилатлари билан

ўзи туғилиб ўсган жойда яхши таассурот қолдирган инсон, кейинчалик ҳам Ватаниннг ажралмас бўлаги — маҳалланинг обрў-эътибори, нуфузини сақлаб қолишга, унга муносиб бўлишга, шунга яраша иш тутишга ҳаракат қилади.

Масалан, бизнинг "Яккасарой" маҳалла фуқаролар йиғинимизда 5200 дан ортиқ аҳоли бор. Худуд-

га қарашли 40 та кўп қаватли ҳамда 583 та якка қаватли уйда турли миллат вакиллари истиқомат қилади. Тўртта уй-жой мулкдорлари ширкати, мактаб, иккита боғча, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, савдо дўконлари, тўйхона ва чойхона улар хизматида.

(Давоми 2-бетда).

Давлат органлари фаолияти очиклиги:

ТАЖРИБА ВА АМАЛИЁТ

Давлат органлари ва хўжалик бошқаруви фаолияти шаффофлигини таъминлаш, кенг жамоатчиликни сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар жараёни ҳақида тизимли хабардор қилиш мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизациялаш, очик фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим йўналиши ҳисобланади.

ХУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ

Ахборот соҳасидаги давлат сиёсати, аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустақамланган сўз эркинлиги ва фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқи тамойилларининг тўлиқ ва изчил рўёбга чиқарилиши таъминлашга қаратилган.

Шундан келиб чиқиб, Президентимиз томонидан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш ташаббуси илгари сурилди.

Маълумки, ҳозирда мазкур қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган ва унинг нормалари синови бўйича Самарқанд ва Бухоро вилоятлари давлат ҳокимияти органлари негизда ҳуқуқий тажриба ўтказилмоқда. Парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришнинг мазкур усули жамоатчилик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини ошириш ҳамда аини пайтда ҳуқуқий тартибга солишнинг самарасиз кўринишларидан "асровчи" муҳим воситадир.

(Давоми 2-бетда).

Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар

Андижондаги "Fikentex Andijon" корхонасининг мавжуд дастгоҳ ва ускуналари модернизация қилинган, бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми икки баробарга ортиб, сифат кўрсаткичлари тубдан яхшиланди.

Сифатли маҳсулот

Пировардида корхонада кўлқоп ҳамда пайпоқлар учун ишлатиладиган резиналар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятдаги ҳудудий корхоналар томонидан 13,6 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Инвестиция дастурига мувофиқ, Навоий шаҳрида учта MSAG станцияси ўрнатилиб, қўшимча 1656 метр масофага оптик толали алоқа линияси тортилди.

Замонавий алоқа линияси

Натижада ҳудуд аҳолиси қўшимча қулайликдан баҳраманд бўла бошлади. Шунингдек, DSLAM технологияси асосида юқори тезликдаги интернетдан фойдаланиш имконияти юзга келди ҳамда абонентлар сони икки баробарга ортди.

Умуман, "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси Навоий филиали томонидан жорий йилда вилоятдаги мавжуд 47 та касб-хунар коллежида оптик толали алоқа линияси ишга туширилиши режалаштирилган. Ҳозиргача 10 та таълим муассасасида ана шундай истиқболли лойиҳалар рўёбга чиқарилди.

Азамат ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Касби туманидаги "Юрт ризқи" масъулияти чеklangан жамиятида амалга оширилган модернизациялаш тадбирларидан сўнг бу ерда гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 30 фоизга ортди.

Модернизация самараси

Бунинг учун қайта ишлаш цехида қарийб 20 миллион сўмлик қўшимча минитехнологиялар келтириб ўрнатилди. Натижада яна 12 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилиб, уларнинг тури 30 тага етказилди.

— Корхонамизда аини пайтда юзга яқин киши меҳнат қилапти, — дейди жамият раҳбари Насрулло Худойбердиев. — Чорвачилик мажмуамизда Украинадан келтирилган 600 бошга яқин насли қорамол парвариланапти.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Бекобод шаҳридаги Ширинсой маҳалласи Сирдарё қирғидаги сўлим ва хушманзара гўшалардан бири ҳисобланади.

Болажонларнинг сеvimли маскани

Аини пайтда бу ер бекободлик болажонларнинг қадрдон ва сеvimли масканига ҳам айланган.

Гап шундаки, "Цементчи" болалар оромгоҳи худди шу масканди жойлашган бўлиб, яқинда тубдан реконструкция қилинди. 150 ўринли ётоқхона, ошхона, спорт майдончалари, сув ҳавзаси ҳамда маънавий-маърифий ва кўнгилочар тадбирлар ўтказишга мўлжалланган амфитеатр бутунлай замонавийлашди. Бунёдкорлик ишлари учун шаҳардаги "Бекободцемент" акциядорлик жамияти 700 миллион сўм ҳомийлик маблағи ажратди.

Оромгоҳда жорий мавсумда 450 нафар ўғил-қизни соғломлаштириш режалаштирилган.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

“New Straits Times” мамлакатимиз ҳақида

«Давоми. Бошланиши 1-бетда».

Малайзиялик яна бир журналист Шуби Таиб ўзининг “Уч шаҳар афсонаси” деб номланган мақоласида Тошкент, Самарқанд ҳамда Бухоро сингари шаҳарларнинг тарихий, илмий ва маданий мероси ҳақида ҳикоя қилади.

Мамлакатимиз пойтахти хусусида тўхталар экан, Шуби Таиб бу шаҳарда қадимий тарих ва замонавий тараққиётнинг энг сўнгги ютуқлари уйғунлашиб кетганлигини эътироф этади. Унинг фикрича, Тошкент ўзида замонлар муштараклигини муҳассамлаштирган, зеро, шаҳар заминда қадимий ёдгорликлар билан бирга, истеъдодли меъморлар лойиҳалари асосида барпо қилинган кўп қаватли замонавий иншоотлар ҳам кўкка бўй чўзган. “Тошкентдаги Ҳазрати Имом мажмуаси ва бошқа тарихий обидалар баробарида, сўнгги йилларда бунёд этилган кўркам бинолар, кенг кўчалар, гўзал истироҳат боғлари ҳамда салқин хиёбонлар ҳам кўзни қувонтиради”, дея ёзилади мақолада.

Малайзиялик журналист Самарқанд шаҳри таассуротларини қаламга олар экан, мовий гумбазли иншоотларни шаҳарнинг ўзига хос “ташриф қоғози”, дея таърифлайди. У газетонларни ўрта асрларда Самарқанд ижтимоий ҳаётининг маркази бўлган Регистон майдони билан атрофлича таништиради. “Улугбек ва Шердор мадрасалари миноралари, Тиллақори мадрасасининг гўзал безаклари, геометрик шаклдаги нақшлар ҳамда мовий гумбазлар Регистонга ҳашамат ва маҳобат бахш этган, — деб ёзади у. — Улугбек мадрасаси XV асрда нуфузли илм ўчоғи, ўша даврнинг энг яхши олимлари таълим олган университетлардан бири саналган”.

Имом ал-Бухорий мақбараси хусусида сўз юритар экан, журналист Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг мазкур иншоот қайта тикланганини маълум қилади. Ушбу маъму ҳам, мақола муаллифининг фикрича, ўзининг ажойиб безаклари ва ҳашаматли равоқлари билан ажралиб туради.

Бетақорр Бухорони эса Шуби Таиб “Тарихий ёдгорликлар ҳамда меъмо-



рий обидаларга бой, ажойиботларга тўла шаҳар”, дея таърифлайди. Унинг кайд этишича, Бухоро ҳукмдорларининг қароргоҳи сифатида хизмат қилган Арк калъаси бугунги кунда қадим ва ўрта асрлар тарихига оид ноёб ҳамда қизиқарли ҳужжатлар, китоблар, сопол ва мисдан ишланган буюмлар, олтин ва кумуш тақинчоқлар, миллий услубда тўқилган гиламлар жамланган ажойиб музейдир.

Ўзбекистон раҳбарияти томонидан халқнинг маънавий қадриятлари, моддий ва маданий меросига нисбатан алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлар экан, муаллиф бой тарих, ажойиб меъморий ёдгорликлар ҳамда замонавий сайёҳлик инфратузилмасига эга Ўзбекистонни дунёдаги энг яхши саёҳат йўналишларидан бири сифатида эътироф этади.

«Жаҳон» АА.

ТАДБИР

Юртимиз тинчлиги ва халқимиз осойишталигини таъминлашда ички ишлар идоралари ходимлари фаолияти алоҳида ўрин тутди. Шу боисдан истиқлолнинг дастлабки йиллари данок соҳани ислоҳ қилиш, уни халқро андозалар даражасида ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада Президентимизнинг 2001 йил март ойидаги тегишли Фармони, айниқса, муҳим аҳамият касб этди.

Тинчлик ва осойишталик посбонлари

Мазкур ҳужжатга биноан, тизимдаги барча хизматлар фаолияти замон талаби даражасида такомиллаштирилди. Соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш масаласи доимий эътиборда бўлиб келмоқда. Шу мақсадда вазирлик тизимдаги олий ўқув юртилари — ИИВ Академияси, Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти ҳамда Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби ташкил этилиб, уларда курсантлар учун барча зарур шарт-шароит яратилди.

Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти курсантларининг битирув маросимида шулар хусусида атрофлича сўз юритилди. Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг 1992 йил 10 январдаги Фармони билан ташкил этилган билим юртида 5 та йўналиш бўйича муваҳхассис кадрлар тайёрлаб келинмоқда. Ўқув жараёнига замонавий ахборот ва инновациялар педагогик технологиялар кенг жорий этилиши амалда ўзини тўла оқлади. Анқироғи, ўтган давр мобайнида мазкур билим юрти битирган муваҳхассислар айна чоғда Ватанимизга муносиб хизмат қилиб келмоқда.

— Билим юртида курсантларга ҳамма шарт-шароит ҳамда қулайликлар яратилган, — дейди битирувчи А. Абдуалиев. — Хусусан, мультимедиа ва замонавий ахборот технологиялари асосида таълим олдик. Бу ерда ўзлаштирган билимларимиз тинчлик ва осойишталиكنи сақлашда қўл келади.

Курсантларнинг битирув маросимига бағишланган бундай тадбир Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида ҳам ўтказилди. Унда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, ота-оналар ва битирувчилар иштирок этди. Айтиш керакки, бу ерда ўқув жараёни янада такомиллаштириш, янги педагогик технологияларни татбиқ қилиш борасида салмоқли ишлар амалга ошириляпти. Айна пайтда турли фанлар бўйича электрон маърузалар матнлари ишлаб чиқилган, электрон кутубхона фаолияти йўлга қўйилган.

— Мактабимизда замонавий ишлаб чиқариш корхоналарида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, қурилиш материалларининг ёнғин хавфсизлиги кўрсаткичларини аниқлаш, ёнғинни ўчиришда замонавий воситалардан фойдалана оладиган муваҳхассислар тайёрланмоқда, — дейди битирувчи Феруз Нишонов. — Ўқиб давомида назария ва амалиёт уйғунлаштирилган ҳолда олиб борилди. Шу маънода, битирувчиларнинг ҳар бири фавқулодда ҳолатларда ҳам ўз ишини пухта бажарадиган кадрлар сифатида камолга етишди, деб ўйлайман.

Тадбирларда битирувчиларга дипломлар ҳамда кўкрак нишонлари топширилди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Атроф-муҳит муҳофазасига бағишланди

Кеча Тошкент шаҳрида 17 июнь — Жаҳон чўлланиши ва кургоқчиликка қарши кураш кунини муносабати билан давра суҳбати бўлиб ўтди. Ерлар деградацияси ва кургоқчилик таъсирини камайтириш, чўлланишга мойил худудларда ҳаёт сифатини яхшилаш масалалари муҳофазасига бағишланган ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази томонидан Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

АНЖУМАН

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, мазкур санага БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1995 йилда асос солинган бўлиб, у Чўлланиш ва кургоқчиликка қарши кураш Конвенциясини ратификация қилган мамлакатлар, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам кенг нишонлаб келинади. Бундан қўзланган асосий мақсад тобора долзарб аҳамият касб этаётган чўлланиш, ерларнинг таназзулга учраши ва кургоқчилик муаммосига халқро ҳамжамият эътиборини қаратиш, унинг таъсирларини юмшатиш учун бирдамликда ҳаракат қилишга чорлашдан иборатдир.

Муваҳхассисларнинг таъкидлашича, саҳролланиш куруқ минтақаларда атроф-муҳит деградациясининг охириги босқичи ҳисобланади.

йўналтирилиши натижасида 1 миллион 200 минг гектардан ортиқ суғориладиган экин майдонининг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Бу — шунча ерда тупроқ унумдорлиги оширилиб, қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги кўтарилди, дегандир. Бошқача айтганда, кучли ва ўртача шурланган майдонлар 105 минг гектарга камайтирилган бўлса, ер ости сизот сувлари мақбул сатҳларга туширилган экин майдонлари 118 минг гектарни, мелиоратив ҳолати барқарорлашган ер майдонлари эса 977 минг гектарни ташкил қилди.

Давра суҳбатида Чўлланиш ва кургоқчиликка қарши кураш Конвенциясининг Ўзбекистондаги ижроси борасида муайян ютуқлар қўлга киритилаётгани алоҳида қайд этилди. Айниқса, санаот тармоқларида “яшил

иктисодиёт”га босқичма-босқич ўтилаётгани, чўл худудларида ўрмонзорлар барпо қилинаётгани юқори баҳоланди. Зеро, табиатга зийн етказмасдан барқарор ривожланишни таъминлаш “яшил иқтисодиёт”нинг асосидир. Бунга табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атмосферага чиқариладиган, сувга ташланадиган моддаларни камайтириш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқаришга чиқиндисиз технологияларни жорий қилиш, санаот ва маиший қиқиндиларни қайта ишлашни такомиллаштириш ҳисобига эришилди.

Шунингдек, тадбир иштирокчилари кургоқчил минтақалар экотизимини яхшилаш, агробиохимиа-хилликни сақлаш, қишлоқ хўжалигининг иқлим ўзгаришига таъсирчанлигини камайтириш, чекка худудларда истиқомат қилаётган аҳолининг ҳаёт даражасини ошириш масалалари бўйича ҳам ўзаро фикр алмашдилар.

Сайд РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

бири суд маслаҳатчилари институтининг тикланиши бўлди. Ушбу синов судда иш қўришининг ўз вақтида бўлиши ҳамда бошқа жинойат ишларини қўриб чиқиш жараёнига ижобий таъсири нуктаи назардан муваффақиятли, деб топилди ва бундай судлар мамлакатнинг бутун худуди бўйлаб жорий этилди.

қоз эркинлиги, шунингдек, ўзи истган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқини кафолатлайди. 30-моддага кўра, Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳуж-

«Давоми. Бошланиши 1-бетда».

Кам таъминланган, боқувчисини йўқотганлар доимий эътиборда. Мабодо маҳалламизда бирор муаммо ёки камчилик кузатилса, барча бир ёқадан бош чиқариб уни бартараф этишга кўмаклашади. Коммунал хизмат, электр энергияси, табиий газ, иссиқ ва совуқ сув таъминотида хали бирор марта узил-шув бўлгани йўқ. Ахир бу хизматлар учун ўз

лар, янгиланишлар, энг аввало, тинчлик-осудалик деб аталмиш бебаҳо неъмат туфайли эканлигини унуттишга ҳақимиз йўқ.

Маҳалламизда ҳаётнинг пасту баландини кўп кўрган, аччиқ-чучуғини обдан тагитган ёши улуг нуронийлар билан тез-тез йиғилиб, маҳалла-қўй, хонадан-оилалар ҳақида гаплашамиз. Кимга қандай кўмак керак, ким тўй қилмоқчи, хуллас, “иссиқ-совуқ”дан

Шу боис бу каби қусурларга йўл қўймайлик даъват этиш, аввало, оиладан, маҳалладан, боғча ва мактабдан бошланиши керак. Бинобарин, уларда қатъий талаб, жиддий тартиб, ўзаро ҳурмат-иззат муносабатлари яхши йўлга қўйилса, бундай муҳитда улғайган фарзанд намунали хулқ-атвор эгаси бўлади, жамиятга, эл-юртга нафи тегади.

“Сариштали уй — фариштали уй” дейдилар. Гап ўзимиз яшаётган маҳалламиз, хонадонимиз, юртимизни обод этиш, фарзандларимизни бар-

ВАТАН Остонадан бошланади

вақтида пулмўёки борилгач, муаммо ёки шикоятга асло ўрин қолмайди. Албатта, беш қўл баробар эмас. Тўловлардан қарзини узишга имконияти етарли бўлмаган, кам таъминланган оилаларга ҳам ҳомийлар, жамоатчилик томонидан доимий кўмак бериб келинмоқда. Бундай ахиллик эса, ўз навбатида, худуднинг обод ва озодлиги, кундан-кунга кўркамлашиб бораётганида ҳам кўзга яққол ташланмоқда. Хусусан, Обод турмуш йили муносабати билан маҳалла аҳли биргаллашиб, минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказди. Наврўз байрами, Хотира ва қадрлаш кунинида кекса, ўзгалар қарамоғига муҳтож кишиларнинг хонадонлари таъминланиб, байрам совғалари улашилди. Энг муҳими, бу каби савоб ишлар мунтазам давом эттирилмоқда.

Бугун биз шиддат билан ўзгараётган замонда, ён-атрофимизда юз бераётган нотинчлик ва беқарорлик туфайли вазият кескинлашиб бораётган бир пайтда мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталик, осуда ҳаётни асраб-авайлаш, қадрлаш нақадар муҳим эканлигини қалбдан, юракдан ҳис этаемиз. Ана шу маънода, юртимизнинг ҳар бир гўшасида рўй бераётган ўзгариш-

доим хабардоримиз. Халқимизга хос хислатлар ҳақида гап кетганда, қўллаб-қувватлар қатори болажон, меҳмондўст, деган иборалар бот-бот тилга олинади. Бу беҳиж эмас. Зеро, фарзанд орзу ҳаваси билан яшаб, унинг камолини кўришни муқаддас мақсад деб биламиз. Шу ўринда унутмаслигимиз керакки, бола тарбияси фақат уни яхши ўқийса, саломаликини қанда қилмасликка даъват этиш билан ўлчанмайди. Фарзанд тарбияси, бу — эл-юрт, жамият олдидаги масъулият дегани ҳамдир. Базван кўча-қўйда, йилгилиларда фалончи маҳалла ёки худудда чиқиндилар белгиланган жойга эмас, аксинча, кўп қаватли уйлар йўлақарига, серкатнов кўчалар ёқасига ташлаб кетилаётганлиги ҳақида эшиш-тўқаш билан мунтазам давом эттирилмоқда.

камол этиб тарбиялаш хусусида борар экан, беихтиёр болалик йилларимиз ёдга тушади. Айни ўйнаб-қуладиган, яйрайдиган давларимиз очарчилик, қаҳатчилик йилларига тўғри келди. Уй-хаёлимиз бир бурда нон топиш, ота-онамизга кўмаклашишда эди. Мактабга ёёқланган қатнаганмиз. Об-ичишимизда ҳам, ётиш-туришимизда ҳам ҳаловат кўрмадик. Айтмоқчиманки, бугунгидек дорил-амон кунлар етти ухлаб тушимизга ҳам кирмаган. Муҳташам мактаблар, коллежлар, шифонахоналар, равон йўллар, ёшларимизга яратиб берилган шарт-шароит, имтиёз, имкониятлар, нуронийларимизнинг эъзоз ва эътиборда эканлиги — булар қаёқда эди?! Шукрки, истиқлол туфайли халқимизнинг қадди ростланди, қадри оқсалди. Энди ҳамма гап ана шу мунаввар ҳаётимизни, осуда турмушимизни қадрлашда.

Буларни айтишдан мудоао шуки, мамлакатимизда инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш устувор вазифага айланган. Мухташам Президентимиз раҳнамоллигида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар замирида обод ва фаровон турмушимиз, фарзандларимизнинг бахту саодати, уларнинг ёруғ келахаги учун гамҳўрлик муҳассам. Эзгуликка йўғрилган бундай тамойил эса элим деб, юртим деб, ёниб яшаётган ҳар бир кишининг қучига куч, гайратига ғайрат қўшади.

Нўмонжон НИЗОМОВ, Тошкент шаҳридаги «Яккасарой» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

«Давоми. Бошланиши 1-бетда».

Ушбу тадбир қонун лойиҳаси у ёки бу нормаларнинг амалиётдаги самарадорлигини ошириш ҳамда эҳтимолий салбий оқибатларини бартараф этиш учун уни янада мукамаллаштириш ишларини беради. Пировардида бу норматив ҳужжатнинг сифатини оширишга хизмат қилади.

Хуқуқий тажриба қонунчилик фаолиятининг усули сифатида хоржий тажрибада турли қўришниларда кенг фойдаланилади. Масалан, яқинда АҚШнинг Нью-Гемпшир штати Олий суди томонидан Страффорд ва Кэрролл округлари судларида фуқаролик ҳуқуқи бўйича синов лойиҳа амалиётга жорий этилди. Ушбу лойиҳа суд жараёнларини соддалаштириш ҳамда унинг самарадорлигини янада оширишни таъминлашга қаратилган. У мазкур округларда муваффақиятли амалга оширилган, 2012 йилнинг 1 октябрдан судлар томонидан барча фуқаролик ишларини қўриб чиқишда ушбу қодалар бўйича иш юритила бошланди.

Германияда “Интеллектуал тармоқларни қўллаб-қувватлаш” ҳукумат дастури ҳомийлиги остида ҳозирги кунда олтига худудда “Е-энергетика дастурлари” синов лойиҳалари синовдан ўтказилмоқда. Улар қайта тикланган энергия манбалари интеграциясига мўлжалланган. Шунини айтиш керакки, 2050 йилга бориб, бундай энергия манбалари жами энергия истеъмолнинг 80 фоизини ташкил қилиши кутилмоқда. Германия федерал ҳукумати синов натижаларидан келиб чиқиб, қайта тикланадиган энергия манбалари тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришни режалаштирмоқда.

Россияда ўтказилган ҳуқуқий экспериментлардан

Давлат органлари фаолияти очиклиги:

ТАЖРИБА ВА АМАЛИЁТ

Канадада ҳуқуқий тажриба ўтказиш бир оз бошқача. Қонунчилик кўра, қонун қабул қилинган, унга беш йил давомида ўзгариш киритилмайди. Қонунни қабул қилгунга қадар бўлган даврда унинг нормаларини амалга ошириш амалиёти мониторинги ўтказилади.

Шу ўринда Ўзбекистонда “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бўйича икки вилоятда ҳуқуқий тажрибани ўтказиш ҳақидаги қарор мазкур қонун ҳужжатининг муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатишини айтиш жоиз. Ушбу ҳужжат фуқароларнинг ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқини амалга оширишнинг тор жиҳатларини кенг гайтиришга, шу билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилаётган қарорлари сифати бўйича масъулиятини кучайтиришга йўналтирилгандир.

Республикамизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақидаги ахборотни олиш ҳуқуқини бир қатор конституциявий нормаларда белгилаб қўйилган. Масалан, Асосий Қонунимизнинг 29-моддаси хар кимга фикрлаш, сўз ва эъти-

жатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим.

Мана шу конституциявий тамойиллар асосида ва фуқаролик жамиятини изчил ривожлантириш талабларини ҳисобга олган ҳолда қатор қонунлар ва қонунсиз ҳужжатлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорлари шулар жумласидандир.

Хорижий тажриба таҳлили шуни кўрсатдики, тахмин юзга яқин мамлакатда ахборот олиш ҳуқуқлари тўғрисида алоҳида қонунлар қабул қилинган. Халқаро “Access Info” жамоатчилик ташкилотини маълумотларига кўра, агар 1990 йилда дунёнинг 14 давлатида ахборот олиш эр-

кинлиги ҳақида қонун мавжуд бўлса, 2000 йилга келиб, уларнинг сони 40 тага, 2012 йилда эса бундай давлатлар 82 тага етди. Шундай биринчи қонун 1766 йилда Швецияда пайдо бўлган бўлса, йиғирмани асрнинг иккинчи ярмида бундай қонунлар АҚШ ва Финляндияда, 70-йилларда Норвегия, Ни-

ги қонуни ҳақида қонун мавжуд бўлса, 2000 йилга келиб, уларнинг сони 40 тага, 2012 йилда эса бундай давлатлар 82 тага етди. Шундай биринчи қонун 1766 йилда Швецияда пайдо бўлган бўлса, йиғирмани асрнинг иккинчи ярмида бундай қонунлар АҚШ ва Финляндияда, 70-йилларда Норвегия, Ни-

дан ташқари барча ҳужжатлар фуқароларга тақдим этилиши керак.

Япония қонунчилигида давлат ахборотидан фойдаланиш мумкин бўлган шахслар доираси чекланмаган. Аммо очиклик принципи қонунчилик ва суд ҳокимиятига, шунингдек, давлат бошқаруви тузилмаларининг бир қисмига татбиқ этилмайди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, мамлакатимизда ишлаб чиқилган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги қонун лойиҳасида давлат органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш соҳасидаги муносабатларнинг барча асосий жиҳатлари тартибга солинган. Хусусан, бундай очиклини таъминлашнинг асосий принциплари, ахборотдан фойдаланувчилар ва уларнинг ҳуқуқлари, ахборот манбалари аниқлаштирилган, давлат органлари фаолиятининг очиклигини таъминлашнинг алоҳида усуллари бўйича тартиб ҳамда ахборот тақдим қилиш тўғрисидаги сўровни юбориш қоидаси ва унга қўйилган талаблар батафсил белгилаб берилган. Шунингдек, ахборотни тақдим қилиш бўйича сўровни қўриб чиқиш мудоабати ва уларга тегишли жавобни тайёрлаш бўйича талаблар мустаҳкамлаб қўйилган.

Айни пайтда Самарқанд ва Бухоро вилоятлари давлат органлари негизида қонун лойиҳаси қондаларини амалий ўрганиб чиқиш ҳамда ўтказилаётган ҳуқуқий тажриба яқунлари бўйича қўйилаётган натижалар ушбу ҳуқуқий ҳужжатни янада такомиллаштириш ва маромига етказиш учун аниқ тақлиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишга хизмат қилади. Қонуннинг қабул қилиниши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги, шаффофлигини таъминлаш, шунингдек, фуқароларнинг ахборот олишга оид конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда янги босқични бошлаб беради.

Жовлон АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлими бошлиғи.



Мўътабар қадриятлар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бувимиз раҳматли "невлэй" (каёқдан билэй), "бурушта" (нукул), "кекач" (кеканглаб, олифталаниб турувчи), "бет-ёғи" (крем), "тўкинди" (ахлат) сингари одми гапларни кўп ишлатарди. Ҳозир ҳам қиш-лоқдаги суҳбатларда шу сўзлардан биронтаси қулоғимга чалиниб қолса, китоб ўқиётган ўта жозибали жумлага дуч келгандек эсим жимирлаб кетади. Мана сизга болаликдан жон-жигингизга ўзбекчага чирмашиб кетган уч-тўртта жайдармига сўзингиз сехрили таровати!

Буларнинг бирини дунёдаги энг кўрак мармар тошга, иккинчисини жаҳондаги энг қудратли тилга алмашишга ким ҳам рози бўларди? Булар — муқаддасдан муқаддас тушунчалар, уларни ҳеч қачон бошма-бош алмашувга ёки кимошди савдосига қўйиб бўлмади.

Тиркичилик ташвишларига берилиб, баъзан ён-атрофимизда юз бераётган ўзгаришларни унча пайқайолмаймиш, пайқабган тақдирда ҳам, уларнинг кадр-қимматини чуқурроқ таҳлил қилиб қўришга гоҳо вақтимизни қизғанамиш, шеклили.

Ёзувчилар уюшмасининг бир гуруҳ аъзолари яқинда Фарғонада бўлди. Айрим мумтоз ва замонавий адабларимиз билан боғлиқ кўпгина савалларни нишонлаш тантаналари вилоятда ўтказилаётган "Китоб байрами" тадбирлари-

ри пештахталарни тўдириб турибди. Энг қувонарлиси, дўкандан харид қилинганлардан ташқари, вилоятдаги очикқўл ишбилармонлар мактаб, лицей ва коллежлар кутубхоналарига бир миллиард 250 миллион сўмликдан зиёд китобларни тортиқ этишибди. Барака топқурларнинг химматига минг тасаннолар бўлсин, дегинг келади!

Тўғриси айтиш лозимки, аввалги даврда ҳам кутубхоналарга китоблар мўл-кўл тарқатиб бориларди. Аммо ҳозиргидан фарқи шуки, уларнинг аксариятини империя дохийлари, шунингдек, Чапаев, Пархоменко, Лазо, Павлик Морозов, Зоя Космодемьянс-

спорт заллари, ҳашаматли тўйхоналар, аҳолига хизмат кўрсатиш шохобчаларига дуч келасиз.

Вилоят раҳбарлари ва тегишли соҳаларнинг бошлиқлари деярли бутун тадбир давомида иштирокчиларга йўлдошлик қилиши, бизга қўшилиб оддий меҳнаткашлар билан кизгин суҳбатлар қуриши, кўпларни қизиқтиратган ётган ёки ташвишга солаётган масалаларга доир саволларга батафсил жавоблар бериши. Бу суҳбатлардан маълум бўлдики, халқимиз, аввало, тинчликни, юртдаги бунёдкорликлар давом эттаётганини, турмушимизда адолат доим бош мезон бўлиб ту-

ришини хоҳлайди, лоқайдлик, ноаҳиллик элга фақат гурбат келтиришини хориждағи айрим юртларда ўз бераётган воқеалар мисолига тобора теран англаб етишмоқда.

Буларнинг бари — яхшилик аломати!

Болалар адаби сифатида фарзандларимиз ҳаётига оид воқеаларни алоҳида эътибор билан қўриб бора-раман. Қуни кеча Бухорода ўтказилган Универсиада мусобақаларини, катта спорт олами сари дадил парвоз қилаётган чайир ўғил-қизларимиз шаҳини зангори экрани орқали томоша қила туриб, ўтмишдаги бир воқеа эсимга тушиб кетди. Акрам деган укам футболни жуда яхши ўйнади, тўққизинчи синфда ўқиётгандаёқ водий биринчилигида қатнашаётган Олтиариқ командаси муррабийи уни таркибга қўшиб олганди, "Бу боладан

маймиз, деди. Ўшанда бу гап менга шунақанги алам қилгандики!

Мана, энди ҳаммаси ўз қўлимизда, отамиздан қолган усулда кураш туриб, онамиз сўзлаган тилда машғул ўтказиб ҳам дунё майдонларига гурқураб чиқиб бораёмиш. Илгари 70 йил давомида боксда ўзбеклардан биргина Руфат Риқиев жаҳон чемпиони бўлган бўлса, энди киска вақтда бундай йигитларимиз кўпайганда кўпаймоқда, ҳатто, олимпиада голиблари ҳам бор.

Ҳўш, булар ниманинг шарофати? Кеча қайси тўққизинчи эди-ю, бугун қайси гулшани янги-янгитиб юрибмиш? Бор-йўғи, йигирма икки йилгина одимлаган шу йўлимиздан оғишмай бораверсак, умидимиз гунчалари бўлиши фарзандларимизни яқин келажақда мақомдаги ёруғ манзиллар кўраётганини тасаввур этиш унчалар қийин эмас.

Анвар ОБИДЖОН, Ўзбекистон халқ шоири.

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

«Дуққат, танлов!»

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, "Ўзбекиёно" Миллий агентлиги, Бадиий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Мустиқил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндларини эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, гуруҳ-иштирокчимиз тимсоли, эзгу орзу-интилошларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи — мамлакатимиз мустақиллигининг йилгирма икки йиллигига бағишлаб ўтказилган "Энг улуг, энг азиз" аънавий танловига таклиф этади.

Танловга "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустиқил Ўзбекистон!" деган широри асосий гоё сифатида ўзида мўжассам этилган ижодий асарлар қабул қилинади. Тақдим этиладиган ижодий ишларда: мамлакатимизда мустиқиллик йилларида барча соҳалардан улкан ютуқларга эришилгани, истиқлол юртимизда яшаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омилли эканлиги кенг очиб берилган; халқимиз ўтган даврда ўзининг мустиқил иродаси, қатъият ва матонатни, истиқлол гоёларига садоқатини намойён этиб, жаҳон майдонига муносиб ҳурмат-эътибор қозонгани чуқур таҳлиллар орқали кўрсатилган; тарққийнинг ўзбек модели мамлакатимиз учун ҳал қилувчи бир пайтда энг тўғри, энг оқилона йўл сифатида танлангани, "Ислохот — ислохот учун эмас, аввало, инсон учун" деган олижаноб давлат истиқлол йилларида эришган барча ютуқларимизнинг ҳаётбахш манбаи бўлиб келаётганига алоҳида эътибор қаратилган; истиқлол йилларида бой тарихимиз, бебаҳо меросимиз, дини динатимиз, қўнға урф-одат ва аънаваларимизнинг қайта тиклангани, ўз қадр-қимматини чуқур англаган, мустиқил ва эркин фикрлайдиган соғлом ва баркамол авлодни воёга етказиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила ва жаҳият ҳаётидаги нуфузини ошириш, мамлакатимизда амалга оширилган бунёдкорликлар, қишлоқ ахлига муносиб турмуш шароитини яратиш бора-бора амалга оширилаётган улкан ишлар ўз аксини топан; халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараш бунгу йўлига ўзгариш, дахлдорлик тўғриси, ўз кучи ва имкониятларига бўлган ишончи мустиқиллик билан бораётган стратегик устувор йўналишлари, "Обод турмуш йили" Давлат дастурининг ижобий самаралари ифодаланган бўлиши зарур.

«Энг улуг, энг азиз» танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари;
- босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
- телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
- тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари;
- кино санъати асарлари.

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг паспорти нусхаси;
- иш жойидан тавсиянома;
- муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Танловга 2012 йилнинг 1 августидан 2013 йилнинг 1 августигача бўлган даврда чоп этилган бадиий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар, намойиш этилган тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йилнинг 5 августигача қабул қилинади.

Танлов голиблари Ватанимиз мустиқиллигининг йилгирма икки йиллик байрами арафасида муқофотландилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар "Энг улуг, энг азиз" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси.

Телефонлар: (8-371) 244-12-61; 244-64-61; 244-27-79;

ТАЪЛИМ

Бугун Тошкент шаҳрида мамлакатимиз ёшларини инглиз тилига пухта ўргатиш методикасига бағишланган туркум тадбирлар, халқаро анжуманлар бошланади. Шу муносабат билан пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Янги авлод учун билим ва малакалар

Британия кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўрта махсус, касб-хўнар таълими маркази ҳамда "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази қошидаги Ёшларни иш билан таъминлашга қўмаклашувчи марказ ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда юртимиздаги олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари, хорижий тиллар бўйича мутахассислар, ўрта махсус, касб-хўнар таълими, халқ таълими муассасалари раҳбар ва ходимлари қатнашди.

Анжуманда Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори талаблари асосида умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хўнар коллежлари, олий ўқув юртлирида чет тилларни ўқитиш, талабаларда касбий билимлар-

ни шакллантиришда хорижий мамлакатлар тажрибаларидан фойдаланиш ҳамда замонавий методларни татбиқ этиш бора-бора фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Мамлакатимизда чет тили таълимининг босқичлараро узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш мақсадида махсус лойиҳа ишлаб чиқилди, — дейди Британия кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Стив МакНалти. — "Янги авлод учун билим ва малакалар" деб номланган мазкур лойиҳада олий ва бошланғич таълимада инглиз тилини янада такомиллаштириш, инглиз тили ўқитувчилари малакасини ошириш масалалари муҳокама этилади.

Лойиҳа доирасида "Туризм соҳаси учун билим ва малакалар" мавзусида давра суҳбати ҳам уюштирилади.

Севара ДҮЛТАЕВА.

Спорт

Ҳамюртимиз Осиё чемпиони

Таиланднинг Пхукет шаҳрида эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича ёшлар ўртасида ташкил этилган Осиё чемпионатида ҳамюртимиз Аҳмадjon Маҳмудов олтин медални қўлга киритди.

Юнон-рум кураши бўйича 55 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида иштирок этган спортчимиз кетма-кет тўртта беллашувни ғалаба билан якунлаб, Осиё чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.

Нуфузли мусобақада ҳамюртларимиздан Жонибек Отабеков ва Жаҳонгир Турдиев бронза медалларини қўлга киритди.

Халқаро турнирдаги ғалаба

Чехиянинг Прага шаҳрида ўтказилган энгил атлетика бўйича "Josef Odlozil Memorial" халқаро турнирида маҳоратли спортчимиз Надия Дусанова муваффақиятли қатнашди.

Спортчимиз баландликка сакраш баҳсларида 1,86 метр натижа кўрсатиб, олтин медалга сазовор бўлди.

Фазлиддин АБИЛОВ тейёрлади.

Реклама ва эълонлар

Qishloq Qurilish Bank

барча юртдошларимизга қуйидаги янги омонат турларини таклиф этади:

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА

- «Оила манфаати». Муддати — 4 ой.
- «Сармоя». Муддати — 6 ой.
- «Самарали». Муддати — 9 ой.
- «Обод турмуш». Муддати — 24 ой.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА

- «Benefit». Муддати — 1-3 ой.

Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларни олувчи фуқароларга дастлабки бадални шакллантириш мақсадида жорий қилинган:

- «Қурилишга бошланғич бадал» — 1 йил муддатга.
- «Хонадон» — 1 йилдан ортиқ муддатга.

Шунингдек, қуйидаги омонат тури намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:

- «Мадед» — 1 йилдан кам бўлмаган муддатга.

Ушбу омонат турларига банкнинг барча филиалларида маблағ қабул қилинади.

- Тошкент шаҳар минтақавий филиали (8-371) 150-77-21
- Тошкент вилояти минтақавий филиали (8-371) 150-79-19
- Андижон минтақавий филиали (8-374) 222-23-72
- Фарғона минтақавий филиали (8-373) 229-70-91
- Наманган минтақавий филиали (8-369) 223-04-37
- Бухоро минтақавий филиали (8-365) 223-92-21
- Самарқанд минтақавий филиали (8-366) 210-02-49
- Қашқадарё минтақавий филиали (8-375) 771-04-26
- Сурхондарё минтақавий филиали (8-376) 770-83-72
- Қорақалпоғистон минтақавий филиали (8-361) 224-22-15
- Хоразм минтақавий филиали (8-362) 227-48-15
- Сирдарё минтақавий филиали (8-367) 221-00-71
- Жиззах минтақавий филиали (8-372) 771-63-38
- Навоий минтақавий филиали (8-436) 770-27-97

Банкдаги омонатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида тўлиқ кафолатланади.

Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 150-76-53, 150-39-93. www.qqb.uz

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

LADA БИЗНЕС

от дилера «SARDOR AVTO INVEST»

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

ВИС-2347, LADA SAMARA, борт.

ВИС-2347, LADA SAMARA, фургон.

ВИС-23460, LADA NIVA, 4x4.

ВИС-23461, LADA NIVA, 4x4.

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

ЦЕНТРЫ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ:

Тел./факс: (8-371) 215-09-11, 215-18-17. Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09, (+99895) 177-01-17.

Узнай больше на сайте www.sardor-avto.uz

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 654. 113 202 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Таҳририятта келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.15 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов. Навбатчи — Ф. Абилов. Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.